

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!»

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз Ватани, халқи ва Президентига садоқати тимсоли сифатида барпо этилган "Ватанга қасамёд" мажмуаси майдони нафақат байрам кунлари, балки ҳар доим ҳарбий хизматчи, талаба, ўқувчилар билан гавжум бўлади. Бугун ҳам ушбу масканда шоуу хуррамлик. Текис саф тортган аскарларнинг жанговар хизматда тобланган юз-кўзларига, куч-ғайрат ёғилиб турган бўйбастига қараб, ўтган бир йил ҳаётларида қандай из қолдирганини англаш мумкин.

Ниҳоят, ҳаяжонли онлар келди – аълочи аскарларга қисм қўмондонлигининг тавсияномаларини тантанали топшириш бошланди. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси Кенгаши вакиллари, таниқли санъаткорлар, "Зулфия" номлидаги давлат мукофоти совриндорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ҳар бир аскар тавсияномани олиб, сафга қайтишдан аввал баралла овозда: "Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!" дея хитоб қилгани иштирокчилар қалбини тўлқинлантириб юборди десак, муболага бўлмайди. Ушбу дамда менинг ҳам дилимда қуйидаги шеър

мисралар туғилди:
Унвоним – озод юрт
фуқаросиман,
Наслу насабинини
мансаб биламан.
Сафда камарбаста
турибман: ростлан!
"Ўзбекистон Республикасига
хизмат қиламан!"

– Ҳаяжонимни сўз билан ифодалаб беролмайман, – дейди Қосон туманидан мударри ҳарбий хизматга қақирилган оддий аскар Мухриддин Хайруллаев. – Бу йил Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Ўйлайманки, қўлга киритган тавсияномам бунда албатта асқотайди. Хизматдан бўш вақтларимда кутубхонада билимларимни бойитдим. Келажакада офицер бўлиб, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилмоқчиман.



– Тавсияномани қўлимга олганимда, ота-онам ва яқинларим чехраси кўз олдимда намоён бўлади, – дейди қорақалпоғистонлик

оддий аскар Беҳзод Искандаров. – Яқинларимнинг, устозларимнинг ишончини оқлаганимдан хурсандман. Бу йил Ўзбекистон

олий ҳарбий божхона институтига ўқишга киришни мақсад қилганман. Бунинг учун билимим етарли, қолаверса, тавсияномам

ҳам бор. Демак, бу йил албатта талабалар сафидан жой оламан!

Гулнора
ҲОЖИМУРОДОВА,
катта лейтенант.

Семинар

Пойтахтимизда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси

таълимидаги ҳўжаликлар раҳбарлари, давлат назоратчилари ва мутахассислар учун ўқув-семинар бошланди.

ЎРМОНЧИЛАР ЎҚУВИ

Ўрмонлар ҳаёт манбаи бўлган тоза ҳавони таъминловчи ноёб табиий бойликлардир. Мамлакатимизда уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Ўрмон тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида ўрмонларнинг қўриқлаши тоифалари бўйича бўлинишини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бун-

да муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда қарийб уч миллион гектар ўрмон мавжуд. Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор туфайли тез ўсувчи, шунингдек, мева-да-рахтларни кўпайтириш, ўрмонларни кенгайтириш бўйича салмоқли натижаларга эришилаётди. Жумладан, ўрмонларни асраш, қўриқлаш ҳамда кенгайтириш, ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини муҳофаза-лаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион лойиҳа-

лар самарасида ҳар йили янги ўрмонзорларни барпо этиш ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бир ҳафта давом этадиган ўқув-семинарда ўрмон ҳўжалиги бошқаруви назарияси ва амалиёти, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ўрмонларни ёнғиндан асраш, ёш кадрлар тайёрлаш каби масалалар бўйича мутахассисларнинг маърузалари тингланади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

ИШ ЖОЙЛАРИГА ЭГА БЎЛИШМОҚДА

Ўзбекистон Либерал демократик партияси ўрта Чирчиқ туман кенгаши ҳамда "Агробанк" ташаббуси билан саноат ва сервис касб-хунар коллежидида ташкил этилган давра суҳбатидида қорхона, ташкилот ва фермер ҳўжаликлари билан тузилган уч томонлама шартномаларнинг ижросини таъминлаш, ўз бизнесини ташкил этиш исти-гада бўлган ёшларга банклардан имтиёзли кредитлар олиш тартиб-таомиллари, бизнес лойиҳаларини тузиш юзасидан йўл-йўриқ ва тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда битирувчилар ўртасида тикувчилик, сервис хизмати, чорвачилик ва балкичилик соҳалари бўйича амалий мулоқотлар бўлиб ўтди. Коллеж битирувчиларидан 10 нафари мазкур хуна-ларни танлаб, "Агробанк"дан кредит оладиган бўлди.

Бундай учрашув ва амалий давра суҳбатлари тумандаги бошқа касб-хунар коллежларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Мамлакатимизнинг Латвиядаги элчихонасида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасининг асосий жиҳатлари мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЛАТВИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Унда Латвия ва Литва парламентларининг депутатлари, ташқи ишлар ва иқтисодиёт ҳамда бошқа вазирликлари, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, академик, эксперт-таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этидилар.

Тадбир иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг ҳукумат мажлисидаги маърузасининг асосий жиҳатлари, ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижалари ҳамда мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий топтиришнинг истиқболлари билан атрофлича танишди.

Давра суҳбати чоғида ўтган йили Ўзбекистон ривожланишининг барқарор юқори суръатларини, макроеқтисодий мувозанат, модернизациялаш ҳамда иқтисодий диверсификациялаш таъминлаш йўлини изчил давом эттиргани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари "Навоий" эркин индустриал иқтисодий ҳудуди ҳамда "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари фаолияти, уларнинг салоҳияти ва истиқболлари билан боғлиқ маълумотлар билан ҳам яқиндан танишди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ижтимоий соҳани,

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк тизими, қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш юзасидан қўрилаган чора-тадбирлар давра суҳбатидида иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

– Ўзбекистон дунёдаги шитоб билан ривожланаётган иқтисодиётлардан бирининг қўрсаткичларини намоён қилмоқда, – дейди Ўзбекистон билан парламентлараро ҳамкорлик бўйича Литва Сейми (парламенти) гуруҳининг раиси Валериус Симулис. – Бунда саноат жаҳасининг узоқни мўлжаллаган тараққиёти салмоқли ўрин тутди. Шунини алоҳида қайд этиш кераки, республика ўзининг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, импорт ўрнини эгаллайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хориж сармоясини жалб этишга катта эътибор қаратмоқда. Эришилган натижалар эса давлатнинг бундай вазифаларни ҳал этишдаги самарали фаолиятидан далолат беради.

Латвияда бўлиб ўтган ушбу тадбир тафсилотлари "Baltic News Service" ахборот портали ҳамда "Балтийский курс" журна-ли томонидан атрофлича ёритилди.

"Жаҳон" АА.
Рига.

(Давоми 2-бетда).

ЙЎЛИНГИЗНИ БЕРСИН, ЎҒЛОНЛАР

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирuvi ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўша-тиш тўғрисида"ги қарорига асосан вилоятимиз ўғлонларини муддатли ҳарбий хизматга юбориш давом этмоқда.

Куни кеча вилоят мудо-фаа ишлари бошқармаси қақирув пунктида табиий қўриқ, синов ва танловлар-да юқори балл тўплаган 40 нафар йигитларни тантанали равишда муддатли ҳар-бий хизматга кузатиш ма-росими бўлиб ўтди.

Қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, қақирилувчи-ларнинг ота-оналари Ватан хизматига отланган ўғлон-ларга ок йўл тилашди. Хал-қимизнинг осойишталиги, сарҳадларимизнинг дахл-сизлигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани адо этишда омад тилади.



– Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш-га ошиқаётган ёшлар қаторида ўғлимнинг бор-лигидан фахрланаман, – дейди ангрелик Клара Юсупова. – Бу ерда яра-тилган шароитлар, фар-зандларимизни кузатиш ва қўтиб олиш маросимлари-нинг тантанали ташкил-лаштирилиётганини кў-риб, бир пайтлар фарзан-дини қай йўл билан бўлмасин ҳарбий хизмат-дан олиб қолиш учун олиб-югурган ота-оналар кўз ўнгимдан ўтмоқда. – Ёшлигимдан ҳарбий бўлишни орзу қиламан, – дейди зангиоталик қақир-и-

лувчи Мирҳайдар Маҳмудов. – Лекин орзу билан иш битмайди. Чунки, бугун Қуролли Кучларимиз сафи-да ҳам ақлан, ҳам жисмо-нан кучли йигитлар сара-ланмоқда. Менга ҳам спорт билан мунтазам шўғуллан-ганим кўл келди.

Тадбир сўнгидида бўлажак аскарларга Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги совғалар улаш-ди. Куй-қўшиқ ва бадиий жамоаларнинг чиқишлари тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ
олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

СИФАТИГА КАФОЛАТ БОР

Янгийўл туманида "Rasulov GI" масъулият чекланган жамияти жамоаси тайёрлаётган замонавий МДФ эшиклар кўпчилик эътиборига тушиб улгурди. Бундан руҳланган жамоа маҳсулотни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга мунтазам эътибор қаратмоқда.

Хусусан, навбатдаги модернизация лойиҳаси асосида қорхонага қўшимча технологик ускуна ва замонавий дураторлик анжомлари келтирилди. Қорхонанинг ўз маблағидан ташқари тижорат банки кўмағида рўёбга чиқарилган техноло-гия янгилаш ийликл маҳсулотини 2000 донга кўпайтириш имконини берди. Шунинг баро-бариди, жамоада устоз-шогирдлик асосида бир нечта янги иш жойлари ҳам юзга келди.

Шукр МУРОДОВ.

ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУР САМАРАСИ

Ўтган йили Ангрэн шаҳрида саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи бу-юмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни ма-ҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ бир неч-та истиқболли лойиҳа татбиқ этилган. Бу иш жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

"Ангрэнгазмаш" масъулият чекланган жамияти-да рўёбга чиқарилган шундай лойиҳа натижасида замонавий иссиқлик қозонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Қорхона мутахассисларининг сай-ҳаракатлари туфайли тайёр маҳсулотда маҳаллий хом ашёнинг улуши 85 фоизга етказилган маҳсулотни кўпайтириш ва таннархини мақбуллаштириш имко-нини яратмоқда.

Алишер РАҲМАТОВ.

ТАДБИРКОР АЁЛ МУВАФФАҚИЯТИ

Зангиотадаги туман номи билан аталадиган қишлоқ аҳолиси тадбиркорлиги билан ажра-либ туради. Бу ерда айни вақтда 40 дан орт-қик кичик бизнес субъектлари ишлаб турибди.

Қишлоқнинг ишбилармон аёлларидан М. Ҳотамова бундан сал аввалроқ хусусий тикиш-бичиш курси очиб, қишлоқ қиз-жувонларига ўз хунари сирларини ўргата бошлаганди. Бу тадбиркор аёл бизнес-лойи-ҳасининг муқаддимаси эди, холос. Яқинда у банк кредити ҳисобидан каттагина тикувчилик цехини таш-кил қилди. Бугун замонавий тикувчилик ускуналари билан жиҳозланган цехда ўқув курсини битириб чиқ-қан иқтидорли шогирдлар доимий иш ва даромад манбаига эга бўлишди.

Шерзод МАҲМУДОВ.

Қарор ва ижро

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ – МУҚАДДАС

Республика Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эълон қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг умумэтироф этилган тамойилларига содиқлигини намоён этди.

Бағрикенглик ва инсонпарварлик намунаси бўлган ушбу қарорга мувофиқ қўллаб юрtdошларимиз жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиниб, жиноят иши юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари тўхтатилди. Уларнинг жамият учун фойдали ишлар билан шуғулланишларига имконият яратилди.

Шу кунларда жойларда Олий Мажлис Сенати қарори ижросини таъминлашга

оид амалий ишлар қилинмоқда. Амнистия қарорига асосан жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларга бир марталик моддий ёрдам пуллари берилмоқда. Шунингдек, улар тиббий кўриқдан ўтказилиб, ишга жойлаштирилмоқда, биометрик паспорт олишлари учун ҳужжатлар топширилмоқда.

Белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ИИБда давра суҳ

бати ўтказилди. Унда вилоят ИИБ ишчи гуруҳи, шаҳар ва туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлини маси жазони ижро этиш инспекцияси, вилоят "Маҳалла" жамоат фонди, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, ижтимоий кўникма маркази вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, уларнинг тинч-оқсоқлиги, фаровон ҳаёт кечирishiларини таъминлаш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида эканлигини таъкидладилар.

**Шерали АНВАРОВ,
Қобилхон ҒОФУРОВ
олган сурат.**



Эътироф

Японияда чоп этиладиган "ANTA news" журнали саёхат ишқибозларининг сеvimли нашрларидан бири ҳисобланади.

«ANTA NEWS»ДА ЎЗБЕКИСТОН

Яқинда Бутуняпония сайёҳлик агентлари уюшмаси (ANTA) муассислигида чоп этиладиган мазкур журнал саҳифаларида "Буюк Ипак йўли давиридан буён Япония ва Ўзбекистонни боғлаб келган муносабатларимиз" сарлавҳаси остидаги мақола парварлиб чиқди. Уларда Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Мақолалардан бири Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дипломатик ва маданий-гуманитар муносабатларнинг тарихи мавзусига бағишланган. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларнинг илдилари Буюк Ипак йўли равнақ топган даврга бориб тақалиши алоҳида таъкидланади. Мақолада Япониянинг Нара шаҳри мазкур йўлнинг шарқий дарвозаси, ўзбеклар заманининг Самарқанд шаҳри эса унинг марказий дарвозаси бўлгани қайд этилади.

Қўйилиш ўлкамиз мавзусига бағишланган яна бир мақолада эса Ўзбекистон делегациясининг Бутуняпония сайёҳлик агентлари уюшмасига амалий таширфининг тафсилотлари қаламга олинган. Унда японлар заминидан бўлиб ўтган учрашу чоғида ўзаро манфаатли шериклиқни мустахкамлаш масалалари атрофида муҳокама қилинган баробарида Ўзбекистон томонининг сайёҳлик соҳасига доир сармоявий тақлифлари қўриб чиқилгани маълум қилинган.

"Бекиёс гўзал табияти, ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган кўпгина бебаҳо ва бетакрор тарихий обидлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик жаҳасидаги истиқболли шерик сифатидagi ўрнини ҳамда аҳамиятини белгилаб беради", деб ёзади "ANTA news".

Шунингдек, журнал Ўзбекистонда боришга ҳозирланган япониялик сайёҳлар учун зарур бўлган барча муҳим маълумотлар билан ҳам ўз ўқувчиларини таништирди. Юртимиз бўйлаб саёхатни амалга оширишнинг масуумлари, виза олиш, валюта алмаштириш, меҳмонхоналар тармоғи тўғрисидаги ахборотлар шулар жумласидандир.

**"Жаҳон" АА,
Токио.**

Огоҳлик

ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ

Ҳозирги кунда бутун дунёда юз бераётган фавқулодда вазиятларга, кўплаб қутилмаган табиий офатларга ғувоҳ бўлиб турибмиз. Иқлимнинг кескин ўзгариши, мислсиз ёғин, зилзила, сув тошқини ва кўчиқлар одамлар ўлими ва иқтисодий таафотларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳар бир шахс доимо хушёр ва зийрак ҳолда рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларга тайёр туриши, муайян билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур.

Болалар мактаб остонасига қадам кўяр эканлар, хавфсизлик талаб-қоидаларини ўрганишлари, кўникма ҳосил қилишлари ўқитувчилар зиммасига тушади. Шу боис ўқувчиларни бахтсиз ҳодисалардан муҳофаза этиш, уларни фавқулодда вазиятларга сабабчи бўлиб қолишдан сақлаш, тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида "Хаёт хавфсизлиги асослари" дарслари ўқитилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими – фуқаро муҳофазаси бошлиғи тасдиқлаган "Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказининг 2014 ўқув йилида тингловчиларни ўқитиш режаси"га асосан шу йил январь ойидан Чирчиқ шаҳар аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида 14 соатли дастур асосида Чирчиқ шаҳри,

Бўстонлик, Қибрай, Паркент, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Зангиота, Чиноз, Ўрта Чирчиқ туманларидаги ўқитувчилари билан дарс машғулотлари ўтказилди. Машғулотларда тингловчилар умумий ўрта таълим мактабларининг 1-9-синфлари учун "Хаёт хавфсизлиги асослари" курси ўқув дастури билан таништирилди. Дарсларда асосий эътибор ўқувчиларни ўзлари ва атрофидагиларга, шунингдек, табиятга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишга, экстремал вазиятларда тез ва аниқ ҳаракат қилишга, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга ўргатишга қаратилиши кераклиги тушутирилди.

Машғулотлар вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси тез ҳаракат қилиш масхус отрядининг кўтарув асбоб-ускуналари ва техникалари намойиши билан якунланди.

**Ш. СУЛАЙМОНОВ,
Чирчиқ шаҳар аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази катта ўқитувчиси.**

Анжуман

ОЧИҚ ВА ТАҲЛИЛИЙ МУЛОҚОТ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2013 йилдаги фаолияти ва 2014 йил учун режалаштирилган асосий вазифалари юзасидан "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сон ва сифат ўзгаришлари" мавзусида ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда институт марказий аппарати ва худудий бўлинмалари раҳбарлари, таъсисчилар кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, етакчи илмий тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференция институтининг 2013 йилги фаолияти натижаларидан кенг жамоатчилик ҳамда хорижий эксперт-таҳлилчиларни хабардор қилиш, шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари масалаларини муҳокама этишга қаратилди.

Анжуман қатнашчилари институт директори Эркин

Солиҳовнинг ҳисобот маърузасини тинглаб, атрофида муҳокама қилдилар.

Таъкидландики, институтда мамлакатимиз ва вилоятлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг бориши, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ривожини, оммавий ахборот воситаларининг демократлашуви ва либераллашуви жараёнларини чуқур ўрганиш тизимли йўлга қўйилди. Қайд этилишича, институтнинг мониторинг тадқиқотлари натижаси фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва аҳамияти кучайганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, ижтимоий-иқтисодий таракқиётга оид йиллик давлат

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Хасталик хуруж қилганда инсон жисмоний ва руҳий жиҳатдан зўриқади. Энг ёмони, ижтимоий, оилавий ва шахсий ҳаётидаги зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришга масъулиятсизлик билан қарайди.

Хориж оммавий ахборот воситаларидан бирида интернет қаршиида соатлаб ўтирган боланинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақида хабар тарқатилди. Жанжаллашиб қолган синфдошининг кўксига пичоқ қадаб ўлдирган 15 ёшли ўсмирнинг қилишини хусусида ёзилган мақолада қотил бу ишга тармоқдаги "машхур" компьютер ўйинлари таъсирида қўл ургани айтилган.

Албатта, бу каби аянчли ҳолатлар дунё жамоатчилигини ташвишлантирмоқда. Бу борада тегишли чоралар қўрилаётир. Шунга қарамай, тармоқда ҳаммани, айниқса, болаларни оҳанрабодек ўзига ром этадиган янгида-янги, рангбаранг ва жозибадор сайтлар, ўйинлар кўпаймоқда. Улар беҳаё тасвирлар, жангари саҳналар, ур-йўқитларга бойлиги билан ёшларни ўзига жалб этмоқда, уларнинг одоб-ахлоқини бузмоқда.

"Видеодаҳшат"ларни кўрган бола

Тошкент вилоятида ҳам компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Кўплаб интернет-клуб ва кафелар ишлаб турибди. Шундай масканларнинг ўнга яқини Янгийўл шаҳрида фаолият юритмоқда.

...Шаҳарнинг Самарқанд кўчасидаги "Хамкор" хусусий фирмасининг интернет-клубига кирдим. Михозлар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Интернетга уланган компьютерлар қаршиида ўтирганлар орасида тўрт нафар 10-16 ёшли ўғил-қизга кўзим тушди. Улар нима билан бандлигига қизиқдим: бири ўйин ўйнаяпти, бошқаси мусика тингламоқда. Икки нафари ўз билимининг бойиш, ақлини харолаш учун келгани шундоқ кўриниб турибди.

Компьютер мониторингдан кўз узолмаётган бу ёшлар билан суҳбатлашши мавриди эмаслигини ҳис қилиб, кўчага чиқдим. Чамаси беш (Давоми. Боши 1-бетда).

Айни кунларда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" анъанавий кўрик-танловининг иккинчи босқичи якунланмоқда.

ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИ

– Бу танловда биринчи марта иштирок этишим, – дейди 19-умумтаълим мактаби ҳуқуқ фани ўқитувчиси, 2-босқич ғолиби Жаҳонгир Исроилов. – Ўқитувчилликда 13 йиллик тажрибага эга бўлсам-да, танлов жараёнида касбдошларимнинг жуда кўп тажрибаларини ўргандим. Шаҳримиз шарафрини вилоят босқичида муносиб ҳимоя қилишмида билимларим асқотишига ишонаман.

Тадбир сўнгига шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини мето-

юз метрлар наридаги 64-умумтаълим мактабининг дарвозаси қаршисида иккинчи сменга дарс бошланишини кутиб турган ўқувчиларни гапга солдим.

– Интернетга аниқ мақсад билан кириш керак, – дейди улардан бири, 8-синф ўқувчиси Азамат Ғофмов. – Агар мақсадингиз бўлмаса, у сизни бошқаради. Албатта, ўз фикр ва мақсади бор одам тармоқни ўз йўригига солади.

Маълумки, интернетдан ҳамма ҳам мақсадли ва самарали фойдаланмайди.

АХБОРОТ БОЗОРИДАН КИМ НИМА «ХАРИД» ҚИЛМОҚДА?

Азаматнинг мактабдоши Бекзод бунга мисол.

– Уйдагилар ҳар кун ил ва нонушта учун пул беради, – дейди у. – Мактабга пиёда келиб-кечиб, ҳеч нарса емай олтирган ана шу пулга интернет-клуб ёки кафега қираман. Ўзим қизиққан "Видеодаҳшат"ларни кўраман, муштаклашув ва отишмаларга бой ўйинларни ўйнайман. Маза...

Ўқувчилар билан суҳбатдан сўнг 1880 нафар ўқувчи таълим олаётган 64-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулчехра Исаева билан учрашдим.

– Назоратсиз қолган бола ҳар хил ишга қўл уриши мумкин, – дейди Г. Исаева. – Шу боис ўқувчиримизнинг мактаб ва маҳалла худуди ҳамда уйда назорат қилиш бўйича олиб бораётган ишлари, мизини янада кучайтирмоқдамиз. Бу борадаги ишлар доирасида уларнинг интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмасини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш, ўқувчиларимизга таълим порталлари бўйича маълумотлар бериш режалаштирилган.

Психологларнинг айтишича, болаларни зулуксиз назорат қилиш зарур. Айтайлик, йўлқира ва нонушта учун берган пулимизни

нимага сарфлаганини доимо сўраб-суриштирсак, фанларни ўзлаштиришга жиддий эътибор қаратмас бу борада кўмак бермас, у биз истаган, ўзимиздан кўра билимли ва кучли инсон бўлиб вояга етади. Демак, назорат ва таълим-тарбияга кўп нарса боғлиқ.

"Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямимиз".

Парламентимизнинг 1992 йил 4 январда бўлиб ўтган навбатдан ташқари IX



сессиясида Президентимиз Ислам Каримов томонидан айтилган бу сўзлар ҳозир ҳам долзарб.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Мамлакатимизда ёшларнинг турли фан ва спорт тўғрақларига қатнашиши, бандлиги ҳамда касб-хунар ўрганишини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш масалаларига ўстувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Фарзандларимиз, хусусан, ёш веб-ихтирочилар моддий ва маънавий қўллақувватланмоқда. Интернетда миллий веб-сайтларни яратишга қаратилган кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Zlivo-Net жамоат ахборот таълим тармоғи ёшларга ахборот-коммуникация хизматларини

кўрсатиш бўйича салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётир. Ушбу ҳужжатда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан

да эътибор қаратиб, йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги ва фаоллигини ошириш, уларда мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, миллий қадрият ва анъаналаримизга асосланган мустаҳкам сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда мафқуравий иммунитетни шакллантиришга бағишланган давра суҳбатлари, учрашув ва семинар-тренинглари ўтказмоқдамиз.

Таълим муассасалари ва маҳаллаларда ташкил этилаётган бундай тадбирларда носоғлом руҳдаги ахборотлар ёшлар тарбиясига, уларнинг ахлоқига, онги ва тафаккурига катта зарар етказиши, улардан эҳтиёт бўлиш, энг муҳими – доимо хушёр ва огоҳ бўлиш зарурлиги ҳақида сўз юритилмоқда.

...Дунё халқларининг ахборот бозори – интернетда келтирилаётган маълумотларнинг ранг-баранг ва кўпلىгидан бош қотари. Уларнинг қай бири тўғрироқ, қай бири нотўғри эканини ажратиб олиш мушкул. Тармоқда миллий менталитетимизга мутлақо ёт мафқура ва дунёқарашни – экстремизм, фахш, гиёҳвандлик, зўравонлик, терроризм ва шовинизм каби боло-қазоларни фарзандларимиз қалби ва онгига сингдиришга уринаётганлар ҳамон учрамоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарига таъкидланганидек, алоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик олтириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепасандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одами ташвишга солмай қўймайди. Шундай экан, замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернетдан фойдаланганда унинг салбий таъсири мавжудлигини ҳар доим ёдда тутмоқ даркор. Зеро, хушёрлик – инсонни муваффақиятга элтувчи энг муҳим омиллардан биридир.

**Ҳолмурод САЛИМОВ,
ЎЗА муҳбири.**

БИТИРУВЧИ НИМАЛАРНИ БИЛИШИ КЕРАК?

Қибрай туман ҳокимлигида республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан касб-хунар коллежларини тамомлаётган ва келгусида тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган 240 нафар йигит-қизлар учун илмий-амалий семинар ташкиллаштирилди.

Туман кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, қатор тижорат банклари ва тегишли идораларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган анжуманда мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган ишларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, зуқко, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган авлоднинг вояга етказиш борасида қилинаётган ишлар ҳу-

сусида сўз борди. Мутахассислар иштирокчиларга тадбиркорларга яратилган имтиёзлар, соҳага доир амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, банк хизматларининг турлари ва шартлари хусусида атрофида маълумот беришди.

Учрашув сўнгига иштирокчилар тижорат банкларида кредит олиш тартиб-таомиллари, ҳисоб рақами очиш шартлари, бизнес-лойиҳа тузиш қоидалари каби масалалар юзасидан уларни қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Бахтиёр ШАВКАТОВ.



ОҒУСИЗ ҲАЁТ

Чирчиқ шаҳридаги 4-умумтаълим мактабида гиёҳвандликка қарши семинар ташкил этилди.

Тадбир доирасида "Саломатлик – туман бойлик", "Мен ва дўстларим", "Табиятни асранг!" номли очик дарслар ҳам ўтказилди. Иштирокчилар "Ораста қизлар" тўғраги фаолияти билан танишишди. Спорт залида волейбол бўйича ўтказилган "Ким қаққон?" мусобақаси ҳам қизгин кечди.

– Гиёҳвандликнинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини ҳаммамиз яхши биламиз, – деди мактаб директори А. Муталибов. – Шу сабаб ёшларимизни бу офатдан асрашимиз зарур.

**Феруза ТўРАЕВА,
Даврон АҲМАД олган сурат.**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Ўтказмоқда.

Хафтанинг ҳар жума куни вилоят иқтисодиёт Бош бошқармасида, пайшанба куни эса шаҳар ва туман ҳокимликларининг иқтисодиёт бўлимларида "Очиқ эшиклар куни" доирасида учрашувлар ўтказилади. Тадбиркорлик фаолиятингизда учраётган муаммо ва юзага келаётган тўсиқлар бўйича таклиф, режа ва саволларингиз билан мурожаат қилишингиз мумкин. Учрашувларда соҳа мутасаддилари иштирок этиб, муаммоларингиз ечим топишига амалий кўмак ва керакли йўл-йўриқлар беришади.

Шунингдек, ўзингизни қизиқтирган саволларга
**вилоят иқтисодиёт Бош бошқармасининг
233-60-11
рақамли ишонч телефони**га
қўнғироқ қилиб ҳам жавоб олишингиз мумкин.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши-нинг қарорига асосан «ЎЗАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ»нинг марказий ҳамда ҳудудий бўлимлари томонидан

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

ташкил этилди.

Соҳага оид бирор-бир ноқонуний хатти-ҳаракатлар хусусида
"ЎЗАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ"нинг Тошкент вилояти бўлимида ташкил этилган

267-29-31 рақамли ишонч телефони

ёки инспекция жойлашган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, М. Улуғбек кўчаси, 32-А уйга мурожаат қилишингиз мумкин.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!	
Савдога қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: Олмалик шаҳар СИБ томонидан 15.02.2013 й. № 597-сонли ижро ҳужжатига асосан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 10 615 385 сўмдан бўлган, Олмалик шаҳри, Примкуло-ва кўчасида жойлашган 1 хонадан иборат 13 дона қурилиши тугалланмаган савдо дўконлари. Кадастр ҳужжати бўйича литер рақамлари: 0001, 0002, 0003, 0004, 0005, 0006, 0007, 0010, 0011, 0012, 0025, 0026, 0027. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 15.02.2013 й. № 599/600-сонли ижро ҳужжатига асосан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 1 965 385 сўмдан бўлган, Олмалик шаҳри, Примкулова кўчасида жойлашган 13 дона савдо дўконлари фундаменти. Кадастр ҳужжати бўйича литер рақамлари: 0028, 0029, 0030, 0031, 0032, 0033, 0034, 0035, 0036, 0037, 0038, 0039, 0040. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 15.02.2013 й. № 598-сонли ижро ҳужжатига асосан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 21 536 429 сўмдан бўлган, Олмалик шаҳри, Примкулова кўчасида жойлашган 14 дона савдо дўконлари. Кадастр ҳужжати бўйича литер рақамлари: 0008, 0009, 0013, 0014, 0015, 0016, 0017, 0018, 0019, 0020, 0021, 0022, 0023, 0024. Аукцион савдоси 2014 йил	20 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион қоллиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!	
2014 йил 25 март куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: I. Ҳамма туман СИБ томонидан 2013 йил 7 августдаги 1-2772/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Auto Plaza Service" МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 В 103 DA бўлган "Тойота Прадо" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 80 000 000 сўм. II. Яккасарой туман СИБ томонидан 2013 йил 14 майдаги 10-1310/7935-Б-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 820 WAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 18 447 686,14 сўм. III. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан 2012 йил 7 июлдаги 21847/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 422 ОВА бўлган "Каптив" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 52 802 299 сўм. IV. Учтепа туман СИБ томонидан 2011 йил 3 февраль кунги ижро варақаси ва ажримига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган, 1. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 167 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 279 747,10 сўм. 2. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 176 бўлган "Лада 21074-110-30"	русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 279 747 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 217 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 112 313,70 сўм. 4. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 173 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 178 103,80 сўм. 5. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 224 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 279 747 сўм. 6. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 178 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 151 047,50 сўм. 7. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 AQ 077 бўлган "Лада 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 667 121,10 сўм. 9. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 BG 158 бўлган "Хафеи" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 651 557,90 сўм. 10. 2002 йилда и/ч., дав. бел. 10 AP 651 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 24 647 541,90 сўм. 11. 1998 йилда и/ч., дав. бел. 10 TH 480 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 20 934 494,30 сўм. 12. 2002 йилда и/ч., дав. бел. 10 AY 260 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 22 764 733,40 сўм. 13. 2000 йилда и/ч., дав. бел. 10 AY 259 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 21 463 567,90 сўм. 14. 2002 йилда и/ч., дав. бел. 01 428 DAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 22 672 834,20 сўм. 15. 2004 йилда и/ч., дав. бел. 10 AY 353 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 18 425 429,80 сўм. 16. 2004 йилда и/ч., дав. бел. 10 AY 356 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 18 607 236,70 сўм. 17. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 BF 236 бўлган "Бейки фотон шийда" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 41 755 514,40 сўм.

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!	
I. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан, 2013 йил 26 июлдаги № 2-889-сонли ижро ҳужжатига асосан: Оққўрғон тумани ИИБ АМТФКМНБ жарима майдонидан сакланаётган: 1992 йилда и/ч., дав.рак: Х737ALN, бошланғич баҳоси – 9 979 879,68 сўм бўлган "OPEL Vectra" русумли автотранспорт воситаси такрорий савдога қўйилмоқда.	
Аукцион савдоси 2014 йил 12 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.	
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.	
Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.	
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тўлашадиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Инак йўли" Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.	

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!	
Тошкент вилояти Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 2013 йил 14 майдаги 5679-80-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 14-даҳа манзилида жойлашган: жами майдони 227,07 кв.м. бўлган "Кооператор" дўкон биноси такроран савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 59 364 304 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 12 март куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.	Қуштепа қишлоғи, Х.Эргашев кўчаси манзилида жойлашган: умумий фойдаланиш майдони 75,6 кв.м. бўлган дўкон биноси такроран савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 32 170 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 26 март куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.
Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан: 2010 йил 24 апрелдаги Оққўрғон тумани давлат нотариал идорасининг 1-сонли шартномасига асосан, Оққўрғон тумани, Х.Олимжон ф/у,	Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.
"ELBEK AZIYA TRANS" МЧЖга тегишли бўлган АТ серияли 0042778/ГБА СПГ ДАМАС GM UZ/ 10 P 514 FA, 0042780/ГБА СПГ ДАМАС GM UZ/ 10 E 265 CA, 0042779/ГБА СПГ ДАМАС/ 01 G 560 GA, 0043227/ГБА СПГ ДАМАС/ 10 В 740 EA, 0042773/ГБА СПГ ДАМАС/ 10 G 726 NA, 0041812/ГБА СПГ ДАМАС GM UZ/ 10 P 764 BA, 0041814/ГБА СПГ ДАМАС GM UZ/ 10 O 084 EA, 0042772/ГБА СПГ ДАМАС/ 01 A 336 NA, 0042774/ГБА СПГ ДАМАС/ 10 C 762 NA, 0042775/DAMAS SPG/ 01 N 893 BA, 0043228/ISUZU SAZ NP 21/ 10\159 QAA, 0043229/MIDIBUS SAZ NP 21/ 01 L 543 FA, 0043230/ISUZU/ 01 C 031 OA, 0043231/SAZ NP 37/ 01 C 032 OA лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.	Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.
"XUMOYUN MIRZO TRANS" МЧЖга тегишли бўлган АТ серияли 0041312/ГБА СПГ ДАМАС/10 Q 280 GA, 0044110/ГБА СПГ ДАМАС/ 01 A 452 LA лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.	Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тўлашадиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Инак йўли" Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 307373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.
"REAL AUKSION" МЧЖнинг «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2014 йил 12 февралдаги 13 (12649)-сонида чоп этилган эълондаги аукцион савдоси 2014 йил 3 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади деб эзилган хатбоши, аукцион савдоси 2014 йил 17 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, деб ўқилсин.	Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тўлашадиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Инак йўли" Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 307373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.
Билдириш "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2014 йил 8 февралдаги 12-сонидан чоп этилган хабарномадаги 2014 йил 25 февраль кунига белгиланган очик аукцион савдоси 2014 йил 11 март кунига белгиланган очик аукцион савдо 2014 йил 25 март куни ўтказилишини маълум қиламиз.	Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тўлашадиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖ маъмурияти.

ЭЪЛОНЛАР		
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ		
<i>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом"га асосан қўйидаги таълим мауассасанинг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА</i>		
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:		
№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Зангиота тумани Кенсой агросаноат ва бизнес касб-ҳунар коллежи	Зангиота тумани, Кенсой қишлоғи, Н.Обидов кўчаси, 1-уй
2	Бекобод тумани қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежи	Бекобод тумани, Пушкин ҚФЙ, Ўзбекистон МФЙ, Почаумаров кўчаси, 1-уй
3	Олмалик қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи	Олмалик шаҳри, Нижная трасса кучаси, 15-уй
4	Қуйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи	Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод қўрғони
5	Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи	Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент қ.ф.й, А.Ясавий маҳалласи
6	Пискент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи	Пискент тумани, Оқтепа қўрғони
7	Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи	Ангрен шаҳри, Қизилтоғ қўрғони
8	Тошкент Давлат техника университети қошидаги Янгийўл академик лицейи	Янгийўл шаҳри, Маърифат кучаси, 62-уй
9	Оққўрғон қурилиш ва коммунал ҳўжалик касб-ҳунар коллежи	Оққўрғон тумани, Озод фермерлар уюшмаси, Олтиовул маҳаллси

ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:		
№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Бўстонлик тумани хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-ҳунар коллежи	Бўстонлик тумани, Чорбоғ қўрғони, Бештут маҳалласи
2	Бўстонлик тумани Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи	Бўстонлик тумани, Паргос қўрғони, Элбек кўчаси, 22-уй
3	Чирчиқ олимпия захиралари коллежи	Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй

ТАЪЛИМ МУАССАСА ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўқув ишлари бўйича директор ўрин-босарлари:

- Янгийўл технология-иқтисодиёт КХК;
- Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қйорай академик лицейи;
- Қуйи Чирчиқ агроиқтисодиёт КХК;
- Ўрта Чирчиқ саноат ва сервис КХК;
- Оҳангарон педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт КХК;
- Оққўрғон агробизнес ва сервис КХК;
- Бука тумани қурилиш ва сервис КХК;
- Бўстонлик хизмат кўрсатиш ва энергетика КХК;
- Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик КХК;
- Бекобод шаҳар енгил саноат ва хизмат кўрсатиш КХК;
- Ўрта Чирчиқ саноат ва сервис КХК;
- Оққўрғон қурилиш ва коммунал ҳўжалиги КХК

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари:

- Паркент агросаноат КХК;
- Бекобод тумани Далварзин маиший хизмат КХК;
- Олмалик ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис КХК;
- Паркент транспорт ва сервис КХК;
- Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш КХК.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари:

- Қийрай тумани энергетика КХК;
- Бука агросаноат ва транспорт КХК;
- Зангиота агросервис КХК;
- Чирчиқ саноат-иқтисодиёт КХК;
- Юқори Чирчиқ мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш КХК;
- Ўрта Чирчиқ саноат ва сервис КХК.

ТАЪЛИМ МУАССАСА ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:

- Ўрта Чирчиқ миллий ҳунармандчилик, дизайн ва сервис КХК;
- Бука тумани агроиқтисодиёт КХК.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарход кўчаси, 3-уй. Индекс: 100121. Маълумот учун телефон: 150-40-37.

"SHUKURXO'JA" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SHUKURXO'JA" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 01.12.2011 йилда № 6428 реестр рақами билан рўйхатга олинган акка тартибдаги тадбиркор Хайруддинов Хасан Нуридиновичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент), бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри бўлими томонидан "AVTOMAGISTRAL" (ИНН 200443614) иختисослашган автомобиль йўллари Қуриш-таъмирлаш бирлашмасига берилган № 1727239823-174-3-сонли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ООО "ALEKS ELEKTROMONTAJ" (ИНН 301766984), зарегистрированное ИПСП Хамзинского района за реестр. № 003114-07 от 23.12.2010 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. М. Асрафий, дом 4, кв. 23, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 20.02.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: (+99894) 660-37-77.

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри ТСРЎИ томонидан 05.06.2008 йилда 765-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "POLIMERTARA-INVEST" унитар корхонасининг устав жамғармаси 200 000 000 (икки юз миллион) сўмдан 114 722 932 (бир юз ўн тўрт миллион етти юз йнгирма икки минг тўққиз юз ўттиз икки) сўмга камайишини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 30.01.2014 йилда № 007171-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PROMO PHARM GROUP" (ИНН 302811610) МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "PROMO PHARM GROUP" ХКГА ўзгаришини маълум қилади. Тел.: 227-87-90.

Утерьяний кадастровый документ № 10-07-06-02 01/0083 от 27.04.2009 г. (О'У' № 215700) на многоэтажный жилой дом принадлежащий ЧП "SANAR", расположенное по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Мойкурган, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**.

Шайхонтохур тумани ТСРЎИ томонидан № 001665-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BEXRUZ TEKSTIL" (ИНН 300174044) хусусий корхонасининг устав жамғармаси 5 950 000 сўмдан 100 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"MO'MIN OQ SOQOL" (ИНН 201992414) хусусий фирмаси (реестр рақами 06-000425) масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Шайхонтохур тумани, Ё. Зиёев кўчасида жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси объекти 10-440/2007 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SOBIR-POLYON-SERVIS" МЧЖга тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари ҳамда 02.10.2007 йилда берилган ТА № 0119930-сонли бино кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Шайхонтохур туманида жойлашган 115-мактаб томонидан 1998 йилда Хамдамов Шерзод Ҳакимович номига берилган О'RD № 459039 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ООО "AL-OILFATBIZNES" (ИНН 300561988), зарегистрированное ИПСП хокимията Шайхантахурского района № 002096-09 от 11.09.2007 г., расположенное по адресу: ул. А. Навоий-9, **ЛИВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителей № 1 от 17.02.2014г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 960-16-91.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 22 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 12-17 метрга етиши мумкин. Кечаси 0-2, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илиқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Республикамакизининг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда қор ёғиб, туман тушади. Қор кўчиши хавфи бор. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ, 3 даража илиқ бўлади.

A stylized illustration of a sun with multiple triangular rays emanating from a central circular disk. Below the sun is a single, dark, rounded cloud with a soft, white highlight on its left side, giving it a three-dimensional appearance.

Шоир ёди

ЭЛИМДА АЛЁРИМ ҚОЛУР...

Халқимизнинг ардоқли шоири Мухаммад Юсуфнинг мухлислари оддий чўпондан зукко зиёлигача эди. Шоирнинг бирор сатрини ёд

Давлатимиз раҳбарининг "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида халққа, Ватанга айнан Мухаммад Юсуфдек шоирлар зарурли-

билмаган, лоақал унинг шеърлари билан айтилган қўшиқлардан хиргойи қилмаган замондошимизни топиш мушкул.

нум этилган шеърлари минглаб ёшларни тарбиялади, тўғри йўлга солди. Шу муқаддас тупроқни, шу қоракўз халқни "иддаолар қилмай" севишни ўргатди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори нафақат адабиёт ихлосмандларини, балки бутун халқимизни хушнуд этди. Шу кунларда элимиз ўз ардоқли фарзандининг 60 йиллигини муносиб нишонламақ-

да. "Мен кетарман бир кун элимда алёрим қолур, Гул ўпиб, гул ёпиниб, ҳар дилда мазорим қолур" деб ёзган шоир ёди, ижоди, дарҳақиқат, қалбларда мангу яшаб қолажак.

Куйида шоир умрининг ёшлик фаслларида ёзилган шеърларидан намуналар эълон қилмоқдамиз.

ҚЎМСАШ

Тошкентда сиренлар гулласа, синглим,
Ва яна қандайдир... акациялар,
Бедазорими-ей кўмсайди кўнглим,
Бировга айтишга одам уялар.

Лой томда юргандек, елиб-югуриб,
Тушларимга кират чумчуқулар,
Куйлайман шотур шоҳида ўтириб...
Бировга айтишга одам уялар.

Трамвайини кўрсам ёдимга тушар
Кулун эргаштириб юрган биялар,
Ғалати, сигирнинг шоҳига ушар...
Бировга айтишга одам уялар.

Тошкентда сиренлар гулласа, синглим,
Ва яна қандайдир акациялар,
Ўрикзорими-ей, кўмсайди кўнглим,
Сенга айтишга ҳам одам уялар.

Мухаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ХИРМОНДАГИ БОЛА

Бундай қарамагин, чақалоқ,
Мен ҳалол одамман ҳар ҳолда.
Чайқаларди ҳар йил кузда менинг ҳам
Беланчагим шу бўқри толда.

Кейин сен изладинг тушимга кириб,
Кейин ўзим излаб ёнингга келдим...

Ёрилган қўлларга термулиб юриб,
Шу ялпиз далада мен ҳам бўй

Бундай қарамагин, бундай қарамагин,
Сен худди ўзимсан, хирмондаги бола...

Кейин шеър йиғлади тушимга кириб,
Кейин ўзим йиғлаб Тошкентга

Менинг, майли шодон, менинг,
Мен билдим, юракдан Ватанини

Навоий сатрига термулиб юриб,
Туйдим жамолини бу кўҳна элим,

Энг гўзал сўзимсан, хирмондаги бола!
Мен келдим, шу шаффоф сўзмни тоғиб:
Мен билдим, юракдан Ватанини

Беланчақ осилган толларни ўпиб,
Чақалоқ кўзига ҳалол термулмоқ...



Onam deydi o'zbek bolasi

МЕН

Унинг ko'ngli xijli, kayfiyati tushkun edi. Son-sanoqsiz kapalaklar gulzor oraladi, lekin o'zida o'zgarish sezmad. Sokin soylar bo'yida sayr qildi. Baribir ko'ngil xijliligidan ortib, xalos bo'lmadi. "Nahot inson qalbi shunchalik nozik, - o'yladi ozorlanib, - axir odam bu yorug' olamda baxtli yashash uchun tug'iladi-ku!"

Shu xayollar bilan yurganida qo'l telefoni jiringlab qoldi. Xushlamaygina qulog'iga tutdi.

Bolam, o'zingmisan, - degan tiniq ovoz keldi undan. - Ovozning boshqacharoq nima, tobog'yo qmi? Birdan ko'ngli tog'dek ko'tarildi:

- Ha, onajon, bu - men, - dedi quvonib. - Xavotir

olmang, soppa-sog'man. Bilasiz, xayol surishni yaxshi ko'raman.

- Unday bo'lsa mayli-ya, tobog' qochib qoldimi deb qo'rib ketdim, - dedi Ona endi xotirjam. - Bir ovozingni eshitib qo'yay degandim-da, bolajinam.

- Aslida men qo'ng'iroq qilishim kerak edi. Siz ovora bo'lib...

- Qo'y, unday dema. Axir men onangman, o'g'lim...

Ko'zlariga yosh kelsada, tushkun kayfiyatidan asar ham qolmadi. Hech narsadan taskin topmagan ko'ngli Onaning oddiygina so'zlaridan charog'on ko'ldi.

Bu paytda o'g'il yetmish, Ona esa to'qsondan oshmoqda edi.

SOG'INCH

Qahraton qish. Qor bo'ralayapti. Dov-daraxt, devor-ton, butun borliq oppoq. Ishxonada o'tirib, Onasini sog'indi judayam. Nahotki, kundalik tashvishlardan ortib, yaqin manzilidagi ukasinigacha borib, onasini birrov ko'rib kelolmasa?!

Yo'lga chiqdi. Qiziq, sog'inch kuchliligidan unutdimi, egnida paltoyo bo'yida qalin sharf, lekin oyog'ida... yozgi olibta tufli. Oppoq qor har qadam bogasidan g'archillaydi.

Oyoqlari sovqotga boshladi. Qor esa tinmay yog'adi. Qadami ildam-u, lekin hali yo'l uzoq: "Eh, eh-he!..."

- Bolam, senga nima bo'ldi? Nega alahsirayapsan, issig'ing yo'qmi?

Ko'zini ochib, peshonasiga iliq kaftini bosib turgan onasini ko'rdi. Qiziq, ona o'g'lining ko'rpadan chiqib, sovub qolgan oyog'panjalarini qayta o'rardi. Tushimmi, o'ngimmi degan-cha, onasiga qaradi. Keyin xursand o'rnidan turdi.

- Tushimda sizni ko'rgan ketayotgan ekanman. Judayam sog'inib, - dedi.

- Voy, bolam-ey! Kecha seni sog'inib uyingga kelganimni unutibsan-da, a? O'g'il Onasini mahkam quchoqlab oldi.

DUNYO


Kelin kun bo'yi ishda. Ikki kollaga qaynona qaraydi. Bataasi maktabga kichigi bog'chaga boradi. Ertalab ularni shagor bolam, asal bolam deb kiyintiradi, choy ichiradi, so'ng etaklab yul karavotiga chiqadi. Hoy-hoylaganicha, mashinalar serqatnov katta ko'chadan olib o'tadi. Bog'cha opa va o'qituvchiga bolamga yaxshi qarang-a, deb tayinlaydi. Keyin pildiraganicha uyiga qaytadi. Xonalarni supurib-sidirish qo'y u tovuqlarga qarash,

o'g'li, kelini, nabiralari kelishiga kechki ovqat tayyorlash kerak...

Yillar o'tib, qaynona keksaydi. Endi u yotoqxonasidan chiqolmas, chiqsa ham emaklagudek bo'lib karavotiga arang kelib cho'zilardi. Bu paytda o'g'il, kelin va nabiralari uning atrofida parvona, katta nabirasi kitob o'qib berar, kenjasi esa: "O'zinning asal buvijonimdan o'rgilay" deb kumush qoshqida ovqat yedirdi.

Abdusattor HOTAMOV.

Рассом хандаси



caricatura.ru



ВАТАНИИ УЛУҒЛАШ БАХТИ

Зангиота тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежда Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг 60 йиллигини нишонлаш ҳақидаги Президент қарорига асосан "Биз бахтли бўламиз" номли маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган ҳафталик якунида уюштирилган учрашувда унинг шоғирдалари, туман ҳокимлиги вакиллари, коллежнинг фахрий ўқитувчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги самимий муносабат, ижодий ҳамкорлик ифодаси ўлароқ саҳнада янграган жўшун мушоира, дилрабо куй-қўшиқлар томошабинларда катта таассурот қолдирди. Шоир ҳақида-

ги хотираларини сўзлаб, унга бағишланган шеърларидан ўқиб берган шоғирда Наргис Хасанованинг чиқишлари иштирокчиларга манзур бўлди. Мухаммад Юсуф ҳақидаги "Энг яхши иншо", "Энг яхши ижодий иш"лари учун ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ўқувчиларимизнинг касб-хунар ўрганишга иштиёқи, ижтимоий фанларга қизиқишларини янада кучайтириш мақсадида бугунгидек тадбирларни тез-тез ўтказиб турамыз, - дейди коллеж директори Саодатхон Ҳасанова. - Мамлакатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган эътибори ва ишончини оқлаш, уларда оқсак маънавиятни, инсоний ғазилатларни шакллантириш барчамизнинг асосий мақсадимиз, шарафли вазифамиздир.

Сайёра РИХСИЕВА.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Жиноятга жазо муқаррар

"Мансаб инсонни эмас, инсон мансабни безайди" дейдилар. Ҳар бир масъулиятли лавозим аввало Ватанга, эл-юртга хизмат қилиш воситаси. Аммо афсуски, мансабдан шон-шўҳрат, мол-дунё орттириш усули сифатида фойдаланадиган кимсалар ҳам учраб туради.

М. Шокиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2005 йилда "Тошвилерлойиҳа" шўъба корхонаси раҳбари лавозимига тайинланганда, юклатилган вазифани масъулият билан адо этишига ишонч билдирилган. Бироқ, кўп ўтмай ў бир гурӯҳ шахслар билан биргаликда ноқонуний ишларга қўл ура бошлади.

"Ўздаверлойиҳа" давлат илмий-лойиҳалаш институти тасарруфидидаги ушбу корхона шартнома асосида картография, топография ва бошқа бир қатор хизматларни бажаради. Бу мақсадлар учун эса тегишли ташкилотлардан, давлат ҳисобидан керакли микдорда маблағ ажратилади. Ушбу маблағлардан ўринли фойдаланиш эса, раҳбарлар зиммасидаги муҳим вазифа. Бироқ, корхона раҳбари М. Шокиров ҳамда бош муҳандис лавозимида ишлаб келган Исма-тулла Тўлембоев бошқа "ҳамкорлар" билан уюшиб, шахсий манфаатларини виждон, бурч ва масъулиятдан устун қўйишди. Улар йўл қўйган қонунбузарликлар расмий ҳужжатлар тили билан баён этил-



са жуда кўп вақт олиши мумкин. Шу сабабли уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан айримлари-га қўш ташласак.

2008 йил шўъба корхона ва "Ўздаверлойиҳа" ДК ўртасида Охангарон ва Қибрай туманлари электрон рақамли харитасини тузиш бўйича шартнома имзоланди. Унда бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати 15 миллион 609 минг 678 сўм қилиб белгиланди. Кейин ишлар тўлиқ бажарилгани ҳақидаги ҳужжатлар тегишли идораларга тақдим этилди. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек, қорғозда ҳаммаси тўғри, ҳаммаси асосли. Бироқ текширувларда шартномада кўрсатилган ишлар учун ажратилган маблағ асоссиз

сарфлаб, талон-торож қилиб юборилгани аниқланди.

Булар ҳали ҳолва экан. "Тошвилерлойиҳа" мансабдор шахслари "Ўздаверлойиҳа" ДК билан ўтган йиллар давомида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги қишлоқ ҳўжалик ерларининг меъёрий қиймати аниқлаш, Тошкент, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидаги бир қатор туманлар маъмурий чегарасидаги ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ерларини йўқламадан ўтказиш сингари масалалар бўйича шартномалар имзолалди. Ба-жариладиган ишлар қийматига эса асоссиз равишда "иккинчи шахс текшируви" учун етти фоизли коэффицентини ҳам қўшиб ёзишди. Бу эса 3 миллион 320 минг 325 сўм пул дегани. Ваколатли органлар вакиллари мазкур ҳолатда қўшимча коэффицент ундирилмаслигини текширувлар асносида аниқ исботлаб беришди.

Худди шу тахлит ҳар икки ташкилот имзолаган кўпгина ҳужжатларда маълумотлар сохталаштирилиб, ҳали бажарилмаган ишлар "бажарилди" деб кўрсатилган. Натижада яна 3 миллион 715 минг

311 сўм давлат маблағи ноқонуний ўзлаштирилган.

"Ўздаверлойиҳа" билан "Тошвилерлойиҳа" ўртасида тузилган яна бир шартнома диққатни тортди. Улар ўртасида 2009 йил 3 августда тузилган шартномада Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Бўқа ва Пискент туманлари электрон харитасини янги, "АркГИС" дастурига ўтказиш кўзда тутилган эди. Бу ишлар қиймати 36 миллион 647 минг 740 сўм микдорида белгиланганди. Албатта, бугунги кунда замон билан ҳамнафас яшаш, барча соҳаларда ахборот технологияларининг янги ютуқларидан фойдаланиш давр талаби. Лекин бу янгиликлар қорчалон амалдорларнинг чўнтагини қаппайтириш учун эмас, фақат соҳа ривожига хизмат қилиш керак. Бу гал эса аксинча бўлди. Шартномада кўрсатилган маблағ аллақачон жойини топиб кетган бўлса-да, янги дастурдаги электрон хариталар манзилига етиб бормади.

Бундай мисолларни давом эттирaverиш мумкин. Ваколатли органлар ўтган йиллар давомида мазкур корхоналар тақдим этган ҳужжатлардаги бу каби "хато"лар-

дан яна анчасини топишди.

Гарчи суд мажлисида М. Шокиров ва И. Тўлембоев ўзларини оқлашга, айбловларни қисман ёки тўлиқ инкор этишга уринсалар-да, ҳақиқат ўз сўзини айтди. Жиноятдан дарак берувчи ҳар бир далил эксперт ва мутахассислар ҳулосаларига таянилган ҳолда пухта ўрганилди. Суд ҳукмига асосан судланувчилар давлат ҳазинасига етказган салкам олтимish миллион сўм зарарини ундириш белгиланди. Бу маблағни қоплаш мақсадида яқинда хариб қилинган "Эпика" русумли автомашина давлат ҳисобига ўтказилди. Яъни, "сувники сувга, ўтники ўтга кетиб, қуруқ хурмача қолди".

Суд иккала мансабдор шахсини уч йил муддатта муайян ҳуқуқлардан маҳрум этган ҳолда, ҳар бирини энг кам иш ҳақининг 320 баробари (25 миллион 486 минг 800 сўм) микдорида жарима тўлашга ҳукм этди.

Бу бошқа мансабдор шахсларга ҳам ибрат бўлса, ажаб эмас.

Дилшод БАХРОМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси.



«ҚОЧОҚ» АВТОБУС ИЗИДАН

Хитойлик автобус ҳайдовчи Тянь Юйчао бошқарувсиз юриб бораётган бошқа бир автобусни кўриб қолиб, уни қувиб етгани ва тўхтатгани ҳақида хабар тарқатди Sky News телеканали.

Юйчао бекатлардан бирида автобусини тўхтатиб турганида, ғалати ҳаракатланиб бораётган бошқа бир автобусдан шубҳаланиб, уни қувишга тушди. То етиб

Кейинчалик тергов хизмати аниқлай киритганига қараганда, "қочоқ" автобус ҳайдовчиси ўзини ёмон ҳис қилиб, йўловчиларни туширган ва депога йўл олган. Бирок, ҳеч қанча юрмай, инсульт хужур қилиб, хушидан кетган. Айни пайтда ҳайдовчи шифохонада даволанмоқда.



СУД ҲУКУМАТ ФАРМОЙИШINI БЕКОР ҚИЛДИ



Таиланд суди мамлакат бош вазири Йинглак Чинават митинг ўтказётган фуқароларни тарқатиб юбориш учун куч ишлатишга ҳақли эмас, дея қарор чиқарди.

га қарши курашини сусайтиради. Ушбу қарор 18 февраль кўни митингчилар билан полиция ўртасида юз берган тўқнашув чоғида 5 киши ҳалок бўлганидан сўнг қабул қилинган эди.

Авалпроқ Таиланднинг фуқаролик суди 60 кунлик фавқулодда ҳолатни, шунингдек, жойларда 5 кишидан ортиқ одам тўпланмас-

лиги, Бангкокнинг айрим туманларида намоийшлар ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги фармойишларни бекор қилган эди. Сабаби шунки, бундай фармойишлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига зиддир.

Митинглар иштирокчилари бош вазир Чинаватнинг истефогоа чиқишини талаб қилишмоқда.

БУНДАЙ ТОМНИ ТОЗАЛАШ ОДДИЙ ИШ ЭМАС

Шаҳардаги энг баланд – 104 қаватли, 541 метрли "Озодлик Минораси"нинг томи биринчи марта тинимсиз ёққан қор ва ҳосил бўлган музлардан тозаланди.

Ушбу тадбирда 500 дан зиёд коммунал хизмат ходимлари, монтажчилар ва полициячилар иштирок этди. Қуйи Манхэттендаги ушбу бино томини тозалаш чоғида пастдаги одамлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пиёдалар, шунингдек, атрофдаги кўча ҳамда Гудзон дарёси бўйлаб ўтган шосседа

транспорт ҳаракати тўхтатиб қўйилди. Тозалаш ишлари қарийб олти соат давом этди. Шу даврда шаҳарда катта тирбандлик юзага келди. Ўн минглаб машиналар кўп минг километри тирбандликда қолиб кетди. Шаҳар маъмурияти эса одамларни хотиржам қилиш учун кейинги сафар шундай ҳолат юз берса, йўловчи



ХУНРЕЗЛИКНИНГ ИККИНЧИ ГУМОНДОРИ
Франция ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари британиялик сайёҳларни ўлдиршида гумон қилинаётган иккинчи шахсни ҳам қўлга туширишди.

экан. Уйи тинтув қилинган чоғда, ўқотар қуроллар, граната ва миномётлар тортиб олинди.

Анси кўли бўйидаги фожиа 2013 йил 5 сентябрда юз берган эди. Велосипеда бораётган бир киши давлат рақаами Британияга тегишли бўлган BMW русумли машинани кўриб қолди. Ичида икки аёл ва бир эр-

какнинг жасади бор экан. Шунингдек, машинадан бир неча метр нарида маҳаллий аҳолига мансуб бир кишининг жасади ҳам топилиди. Афтидан у қотилишқа гувоҳ бўлиб қолгани учун ўлдирилган. Воқеа жойида икки киши омон қолган. Бири яра-ланган, иккинчиси онасининг жасади ораксига яшириниб, жон сақлаган.

ЗЕБ-ЗИЙНАТ ЎҒРИЛАРИ ҚИДРИЛАПТИ
Париждаги кимошди савдолари уйларидад бирода шов-шувли ўғриллик содир этилди. Шаҳар полицияси шу ҳақда маълумот тарқатди.

Уч нафар ўғри бинога киравершида махсус жомадонда зеб-зийнат олиб келаяётган кимошди савдоси уюштирувчиларига ҳужум қилди. Полициядаги маълум-

отларда келтирилшича, кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланган жиноятчилар "катта қийматга эга бўлган заргарлик зеб-зийнатла-

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙ ОЛМАДИЛАР

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манъилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилиб ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎҲАЕВ